

АССАЛОМ, БААДОП!
Байрамингиз муборак, мухтарали онахонлар, она-сингиллар!

9 (391)

2004 йил 3 март



Чоршанба

Маҳалла

Газета 1996 йил январь оидан чиқа бошлаган

Соғувда эркин парҳа

2

- Айёминг муборак бўлсин, АЁЛ!
- Муҳаббат - ихтиёрий келишув.

3

- Табиий газ - табиат инъоми, уни тежамок бурчимиз.

4


- Қояда атиргул унди...
- Томошабинсиз томоша...

● Баҳор тadbирлари: Март - Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

Бугунги кунда зимма-мизда "Меҳр ва мурувват йили" дастуридан жой олган тadbирларни бажариш, бу борадаги вазифаларни амалга ошириш, халқимизга хос бағрикенглик, ҳам-жиҳатлик, меҳр-оқибатлик сингари инсоний фазилатларни янада шакллантириш, жамиятимизда меҳнатсеварлик ва соғлом турмуш тарзи тамойилларини кучайтириш каби ишлар турибди. Шу мақсадда ушбу йилдаги умумхалқ байрамларини кенг нишонлаш, байрамлар арафасида турар-жой, маҳалла ва гузарларни, майдон ва хиёбонларни ободонлаштириш, мамлакатимиздаги санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш мақсадида амалга оширадиган ишларимиз аслида Наврўз байрамини қаршилашга боғлиқ тadbирлар билан деярли бир хилдир. Шу боисдан ҳам ҳар йили бу умумхалқ байрами тайёргарликлари олдидан ҳукуматимиз томонидан кўплаб тadbирларни амалга ошириш, вазифаларни бажариш бора-сида қарор қабул қилинади. Ушбу йилда ҳам ана шундай бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан яъни мухтарам Юртбошимиз имзои билан махсус қарор қабул қилинди.

Шу қарор асосида баҳорнинг илк ойини мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб ҳамда 13-

Юртимизга баҳор келди. Баҳор бу яшариш, янгиланиш, янги режаларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш даври. Юртимизда баҳор фаслида амалга ошириладиган ишларимиз табиат ўзгаришлари билан ҳамохандир. Хусусан, баҳор табиатига хос байрамларимизни айтмайсизми. Ҳадемай, - 8 март куни хотин-қизларимиз ўз табиатларига хос байрамларини нишонлаб юртдошларимиз қалбини байрам қувончи тарқатмасданок Наврўз байрамига ҳозирлик бошланади - қалбларда баҳор берган яратиш, янгиланиш руҳи янада авж уради. Ушбу йилнинг мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб аталиши эса бу тadbирларга яна бир ҳаётийлик бахш этди.



14 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари кунлари деб эълон қилинди. Шунингдек, ушбу қарорда умумхалқ ҳашари муносабати билан, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхона, ташкилот ва муассаса-

лардан "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви ҳамда бўлимларнинг банкдаги жорий ҳисоб рақамларига бир кунлик иш ҳақи миқдоридagi маблағ ўтказилиши белгилаб қўйил-

13-14 МАРТ — УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ КУНИ

ди. Ҳашардан тушган маблағ маҳаллаларни ободонлаштириш, инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига кўмак бериш, маҳаллаларда оммавий спортни ривожлантириш ва жамғарма низомида кўзда тутилган бошқа вазифаларни, шу жумладан "Меҳр ва мурувват йили" дастурида белгиланган тadbирларни бажариш учун сарф этилади.

Халқимиз одатларига хос бўлган бу анъанавий тadbирларда, хусусан, ободонлаштириш ойлиги давомида ва умумхалқ ҳашарини ўтказиш кунларида биз қандай ишларни бажарамиз. Биринчи галда кўп қаватли ва хусусий уйлар атрофи, гузар ва хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, ариқлар ва лотокларни, канализацияларни тозалаш, болалар майдонларини тартибга келтириш, турар-жой маззелари, маҳаллаларда гул ва дарахт кўчатлари ўтказиш, дарахтларни оқлаш ва буташ,

кўча ва йўлакларни тартибга келтириш, жойларни қуриш ва маиший чиқиндилардан тозалаш, бозорлар ҳовлилари ва атрофларини тозалаш, биноларини оқлаш, ранг бериш ишларини бажарамиз, кекса ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ёлғиз инсонлар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жойи шароитларини яхшилашга кўмаклашиш каби элимизга хос бўлган инсоний фазилатларимизни намойиш этамиз.

Бу ўринда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармасининг барча бўғинларида тегишли вазифалар белгилаб чиқилди. Бунга кўра жамғарма ходимлари ўзига тегишли ҳудудларда белгиланган ишларнинг бажарилишида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқинлашиб ҳаракат қилади, айниқса, оммавий сафарбарликни таъминлашда фаол бўлади.

ОРОЛБЎЙИДА БУНЁДКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Республикаимизда Оролнинг қуриши оқибатида юзга келадиган муаммоларни олдини олиш, табиий мувозанатни сақлаб қолиш борасида кенг кўламда ишлар олиб борилаётган. Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси Ижроия кўмитасининг Нукус филиали фаолияти бунинг ёрқин мисолидир.

Ўтган йили Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ижроия кўмитаси Нукус филиали Орол қуриган қисмида пайдо бўладиган чанг-тўзонларни олдини олувчи маҳаллий ўсимликлар экиш бўйича матбуотда тендер эълон қилган эди. Унда Тахтакўпир, Қораўзақ, Чимбой ўрмон хўжаликлари қатнашиб, Қораўзақ ўрмон хўжалиги тендерда ғолиб бўлган эди. Қораўзақ ўрмон хўжалиги тасарруфида 58 минг 111 гектар ер бўлиб, шунинг 41 минг 675 гектари ўрмонзорлардан иборат. Хўжалик 10 йилдан бери саксонул экиш билан шугулланади.

Мана шундай ишларнинг бориши билан танишув Орол денгизи ҳудудидagi Ақбеткей архипелагида бўлиб ўтди. Тadbир "Жилтирбас" қўлининг шимолий тўғонида сувни тўловчи ва чиқарувчи иншоотнинг топширилиши маросими га уланиб кетди. Мазкур иншоот қурилиши Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси ижроия кўмитасининг Нукус филиали пудратчиси, "Оролжойбар" масъулияти чекланган жамияти буюртмаси билан бошлаган эди. Тўрт ой тинимсиз олиб боришдан кийин меҳнат натижасида сув ўтказиш қуввати 30 куб метр-секунд бўлган иншоот барпо этилди.

Ҳайлоат АҲМЕДОВ.
Нукус шаҳри.

● Маҳалла хабарлари

Тошкент шаҳри

Хизмат ва ҳисобот

Маҳалланинг аҳоли шу ҳудудда яшовчи аҳоли, унинг турмуш тарзи билан ўлчанади. Бу масаланинг бир томони аҳолига туман хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолияти, уларнинг ўз вазифаларини қай даражада бажариши билан боғлиқ.



Пойтахтимиздаги Акмал Икромов туманидаги кўплаб шундай корхона ва муассасаларининг иши қандай? Бу саволга тумандаги Ўрикзор маҳалласи аҳли бу соҳадagi идораларнинг раҳбар ва ходимларини ўз йиғилишларига таклиф этиб, уларнинг ҳисоботини эшитиш орқали жавоб олишни лозим кўрдилар.

Бундай мулоқотлар ўз самарасини бермай қолмайди, дейди маҳалла оқсоқоли Раҳимжон Нодиров. - Бу ўринда биз хизмат кўрсатиш корхоналари ва муассасалари олдида талаблар қўйиш билангина чекланиб қолмай, бунинг бартараф этиш таклифларимизни ҳам айтмиз.

Бу галги йиғилишда ҳам шундай бўлди. Туман газ таъминоти, электр энергетикаси, ободонлаштириш, кўчаларни ёритиш, сув чиқариш қурувлари идоралари раҳбарлари ва мутахассислари маҳалладаги ўз соҳалари бўйича аҳволга, хусусан, камчиликларга изох бердилар, тузатиш чораларини маслаҳатлашдилар.

Суратда: йиғилиш пайти.
Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Жиззах вилояти

БЎЛИМ ИШИ ҚОНИҚАРЛИ

Яқинда вилоят Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда вилоят бўлими ва туман бўлималарининг Обод маҳалла йили дастурини бажаришда амалга оширган ишларини сарҳисоб қилиб, Меҳр ва мурувват йилида бажариладиган вазифаларни муҳофаза қилинди. Вилоят Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Муқимжон Ҳасанов бошқарган пленумда жамғарманинг Жиззах шаҳар бўлимининг раиси А.Норматов, Бахмал тумани бўлимининг раиси Э.Аҳмедов, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси ўринбосари Б.Ўтаев, вилоят "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармаси раиси Х.Шуккуров, вилоят ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича котибияти мудири М.Қамолова ва бошқалар уларнинг мулоҳазаларини билдиридилар.

Обод маҳалла йилининг мантиқий давоми Меҳр ва мурувват йилини намунали ўтказиш учун режалар белгиланди.

Айни кунда маҳаллаларда Наврўз байрамига тайёргарлик ишлари қизғин кетмоқда.

Парлабой ТОҶИБОЕВ,
"Маҳалла" мухбири.

Фарғона вилояти

"МАҲАЛЛАМ - ФАҲРИМ"

ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИ

"Маҳалла", "Нуроний", "Экосан" жамғармалари вилоят бўлимлари, вилоят табиати муҳофаза қилиш Давлат Кўмитаси, "Фарғона ҳақиқати" вилоят газетаси, вилоят "Телерадиокомпанияси" ҳамкорлигида Обод маҳалла йили муносабати билан "Маҳаллам - Фаҳрим" кўрик-танлови эълон қилган эди.

Танлов шартларига асосан фахрий журналистлардан Абдулхамид Ортиқов, Қодиржон Шодмонов, "Фарғона ҳақиқати" вилоят газетаси ходими Маъмураҳон Абдурахимова, "Марғилон ҳақиқати" газетаси муҳаррири Дилбархон Муминова, шоир ва журналист Комилжон Жўраев, тележурналист Салимаҳон Рустомова энг юқори совринларни олишга муваффақ бўлидилар.

Вилоят ҳокими ўринбосари М.Ғофуров соврин ва фахрий ёрликларни ғолибларга топширди.

Қодиржон ШОДМОНОВ,
"Маҳалла" мухбири

Қашқадарё вилояти

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

"Маҳалла" хайрия жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлимининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўрилди. Абдулвали Сафаров жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви ва оқсоқоллар кенгаши раиси этиб сайланди.

Ўз мухбиримиз.



Ўзбекистон Республикаси
матбуот ва ахборот
Агентлигида

060 рақами билан
руйхатда олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи»
ҳиссдорлик жамияти

Тахририят манзили:
Тошкент, Матбуотчарлар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/факс: — 133-44-25.

Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви,
«Маҳалла» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

8 март — Халқаро хотин - қизлар куну

2-саҳифага

ЎЗИНГ УЛУҒ БАЙРАМСАН, АЁЛ!

Мен бардош тоғини тавоф айладим, сабр-қаноат дунёсини кездим, рўпарамдан чиқаверди, АЁЛ!
Осмонга тикилган нигоҳларингда, фарзандлар кўзига сочилган меҳру муҳаббатда, сенинг сиймонгга дуч келдим, АЁЛ!

тинчлик тилаб кетди, сўнгги нафасида!

...Бир аёлни билар эдим, ҳаётидан хабардор эдим, олти қиздан сўнг тилаб-тилаб бир ўғил кўрди. Во-дариго! Ҳаёт шунчалик бешафқат бўладими, нақ ўн саккизининг устида ёлғизидан айрилиб қолди, ўғлим деб, ёлғизим деб чўкиб қолди. Йиғламаганини йиғлатди, дардсизларга дард берди. Ўзингга шукр Яратган эгам, аёлининг сабрини нурларга ўрадинг, бардош бердинг, ёруғ юз бердинг. Невараси ўғил бўлди, исми эса - Ёлғор бўлди! Нураб кетмадинг аёл, ёниб кетмадинг аёл! Бардо-

шингга ҳайкал қўйдинг, сабрдан тоғ яратдинг, сенга таъзим АЁЛ!

Ҳаётга термуламан, ҳаётни кузатаман, турмуш ташвишларига кўмилган изларингда тўкилиб кетгандек бўламан. Бир елканда боланг, бир елканда рўзгор, бир қўлингга бахт, бир қўлингга алам, кўзларингда умид, йўлларингда гуллар...

Кўзларим қамашиб кетади, сенинг қадамларингни кўриб. Ҳар босган изингда ҳаёт ўсиб келади, ҳар нигоҳингдан юртинг буйи тикланар. Ватан чиқар ҳузурингга! Ташбеҳ қидириб кетганим

йўқ узоқларга, ёнимдасиз, ҳамнафасиз, замондошсиз! Этик билан дала кезган, юз эркакнинг ишин қилган аёлликнинг малоҳатини меҳнатга алмашган менинг опаларим! Пахта деб, дон деб гўзалликдан воз кечган деҳқон опам, Сизга нечун бош-эгмайлик, Сизга нечун қойил қолмайлик. Умр-ўтар қарвон дейдилар. Қарвонингиз пешонангиз терларига тўлиб кетди, деҳқон опам!

Фарзандлардан ортиб, яна юрт ишига белини боғлаб ҳар инсоннинг кўнглини қоғлаб яшаётган қуюнчақ оналарим! Қозондаги ёғ доғ бўлмай, бир

тишлам нонни еб улгурмай эл юмушига шошилган онам! Қирқта жони бор аёлининг тим-солисиз! Шамолларда учмайди-ган, қайғулардан кечмайди-ган марднинг юраги бор сизда!

...Бир тирноққа зор бўлиб, ёстиқларни ҳўл қилган, менинг фарзанд кутган сингилларим! Муҳаббат асрайди сизни, қаноат фарзанд беради, садокат аллаларни шамол бўлиб чиқаради.

Сенсан бешиқларни кўмсаган сабр!
Сенсан "болам" деган сўзга интизор қалб!

Олаҳ сенинг этагингни тўлдирсин, АЁЛ!
Байрамлар кўп, лекин ўзинг энг улғу байрамсан, муқаддас АЁЛ!

Ҳамид НОРКУЛ.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика Бошқаруви юртимизнинг барча хотин-қизларини, фуқаролар йиғинларининг фаол аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан муборакбод этади!



Хотин-қизлар
маҳаллалар ҳаётида:
* Ўзбекистондаги мавжуд фуқаролар йиғинларининг 734 тасида аёллар раҳбарлик қилмоқда.

* Фуқаролар йиғинлари котибларининг 3323 таси хотин-қизлардир.

* Бугун фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг каттагина қисмини хотин-қизлар ташкил этади.

Обуно-2004

Mahalla



-Яна нима дейди?
-Бувижонимнинг байрами яқин, дейди!



ИРОҚ: ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА

«Ишлаб чиқилган ҳужжат мамлакатдаги кескинликни юмшатиши кийин бўлса-да, Ироқда ҳаётни изга тушириш, мамлакатнинг истикболдаги йўлини белгилаб беришда беҳисса аҳамият касб этгани таъмин». Жаҳон оммавий ахборот воситалари ўтган даврада кунини Ироқда қабул қилинган мамлакат янги конституциясининг илк лойиҳасига шундай муносабат билдирди.

Расман «Ўтиш давридаги бошқарув қонуни», деб аталувчи ҳужжат унга Ироқ муваққат маъмурияти раҳбари Пол Бремер имзо чеккач (бу воқеа 3 март кунига режалаштирилмоқда) кучга кирди.

Кузатувчиларнинг айтишича, ҳужжатни ишлаб чиқишдан кўра қабул қилиш, Ироқ муваққат бошқарув кенгашига кирувчи барча гуруҳ вакиллари билан манфаатларини ҳисобга олиш кийинроқ кечган. Айниқса, келажакда мамлакат қонунийлигида диннинг ўрни ва аҳамияти, давлат тузилиши, ҳокимият органларида аёлларга ажратилган ўринлар каби масалалар бўйича баҳс мунозаралар кизғин бўлган. 28 феврал кунини ташлаш лозим бўлган муҳокама жараёнининг бироз қўзилгани шундан.

Ироқ муваққат бошқарув кенгаши аъзоларининг айтишича, айни пайтда келиб, томонлар бўлажак конституциянинг барча моддалари бўйича бир тўхтама келишга муваффақ бўлган. Олти моддалардан иборат ҳужжатда Ироқнинг дунёвий тараққиёт йўлини ташлашга алоҳида урғу берилди. Шу билан бирга, мамлакатда ислом динига қарши қаратилган қонун ҳужжатларини қабул қилишга йўл қўйилмаслиги ҳам таъкидланади. Муаллифлар, шунингдек, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, сўз ва виждон эркинлигини таъминлаш, армиянинг фуқаролар томонидан назорат қилиниши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратган.

Режага кўра, «Ўтиш давридаги бошқарув қонуни» бир йил амал қилади. Негаки, АКШ ҳукумати 30 июнга қадар Ироқдаги ҳокимият маҳаллий аҳоли вакилларига топширилишини эълон қилган. Бу режа амалга ошириб, йил охиригача Ироқда парламент сайлови ўтказилса, 2005 йилга бориб, парламент мамлакатнинг янги конституциясини қабул қилиши керак. Бўлажак конституцияда ҳам «Ўтиш давридаги бошқарув қонуни»да белги-ланган тамойилларнинг аксарияти сақланиб қолиши кутилмоқда.

Бобур СОБИРОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Эътироф

Аёл тadbиркор, аёл раҳбар, аёл прокурор, аёл шфокор, аёл маҳалла раҳбари. Бу санокни истаганча давом эттиришимиз мумкин. Турмушнинг қай бир жабҳасига қарамайлик хотин-қизларимиз фаолиятига назаримиз тушади. Оламда инсон пайдо бўлибдики, аёлларимизни эъзозлаймиз, шаънларига таҳсинлар айтаемиз.

Қаидадан қайча шон-эъзобларимиз аёлларга бағишланган. Шон-эъзобларимиз, оламда таърихда бир аёл қолса ҳам, демак ҳали ҳаёт давом этади. Мана бугун биз ҳам аёлларимиз байрами баҳонаси сабаб, эл ардоқлаган, дардида дармон, эл хурсандчилигида элиб-юзуриб хизмат қилаётган самарқандлик онахонларимиз фаолиятига бир назар ташладик.

Сайёра БЕГИМОВА мана бир неча йилдирки, Тойлоқ туманидаги Гулба маҳалласи фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаб келмоқда. Сайёра опа эл ишончини қозонган, инқироби мўлдирган ҳам раис этиб сайланди.

Асли касби педагог бўлган онамиз «Маҳаллада аввало иш-ни тарбиядан бошладим», дейди. Маҳаллада тарбияли, фикр дунёси кенг ўқимшли инсонлар қанча кўп бўлса, улар билан ишлаш ҳам, қўзланган мақсадга эришиш ҳам осон кечди. Шу боис маҳалла, мактаб ҳамкорлигига кенгроқ эътибор қаратдик. Ахир фарзандларимиз бизнинг келажакимиз. Ёш авлод соғлом ва бақувват бўлмоғи лозим. Унда албатта спортнинг ўрни катта. Спортни ривожлантириш борасида ҳам бир

АЁЛ — ФАОЛ...

қанча ишларни амалга оширдик. Маҳалламизда минг ўринли стадион қурилиши 2004 йилда туман режасига киритилди. Бизнинг маҳалламиз қўшни Тожикистон Республикасининг Панжакент вилоятига яқин жойлашганлиги сабабли, билмадим қар қалай мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида гиёҳранд моддалар оқиб кела бошлади. Маҳалла-ларимизда гиёҳрандлик иллатига чалинган фуқароларимиз со-ни кўпайиб кетди. Шу пайтда, бунга қарши кескин чора-тадбирлар ишлаб чиқдик. Туман прокуратураси, туман Ички ишлар бўлими ҳамда маҳалла-ларимиз фаоллари ҳамкорлиги-да жойларда очик мулоқотлар ўтказдик. Ҳаракатларимиз зое кетмади, аср вабоси кескин ка-майиб кетди.

Қачонлардир бунёд этилиб қаровсиз бўлиб қолган истиро-ҳат боғи ҳашар йўли билан обод масканга айлантирилди. Меҳр ва муруват йили му-носабати билан маҳалладаги иқ-тисодий шароити оғир оилалар, бева-бечоралар маҳалла ҳо-

миляри ёрдамида Самарқанд-даги зиёратгоҳларга бепул олиб бориладиган бўлди. Ушбу та-шаббус тумандаги маҳаллалар-да қўллаб-қувватланди ва бу-тун туман миқёсда градиқ ту-зилиб зиёратга олиб борилади-ган бўлди.

Зайнаб ҚУРБОНОВА олти йилдирки Тойлоқ тумани Бахитиёва маҳалласи фуқаролар йиғинининг раиси бўлиб ишлаб келмоқда.

Маҳалла юрт устунни де-ган гап мавжуд, бунини ҳамма-дан яхши биламиз, лекин ма-на шу маҳалла аҳлини бирик-тира олмас эканмиз яхши на-тижаларга эришмоғимиз жуда мушкул, - дейди Зайнаб опа. - Яхши дам меҳнатга ҳамдам деганларидек қўйилган меҳ-нат қилгач, яхши ҳордиқ чи-қара билиш керак. Албатта бу-га шароит керак, шароитни эса биз ўзимиз маҳалла аҳли би-риктириб яратмоғимиз лозим. Шу мақсадда хўжалик илорасини таъмирлаб маҳалла учун дам олиш жойларига айлантирдик. Фарзандларимизга эса эски

чойхона клубини қайта таъмирлаб спорт зал қилиб бердик. 15 га яқин спорт тўга-рақлари очдик, ахир Тойлоқ - чемпионлар юрти. Бизнинг туманимизда спорт коллежи

тузганмиз. Маҳаллаларга чиқиб очик давра суҳбатлари ҳамда тур-ли тadbирлар ўтказмоқдамиз. Кейинги пайтда оммавий ах-борот воситаларида ҳам, давра-ларда ҳам фахр ҳақида кўп му-

мавжуд бўлиб, ушбу коллеж-дан тўғрақларга мураббийлар бириктирилди.


Маҳалламиз «Сайқал» фольклор этнографик ансамб-лини тuzдик. Tadbирларимиз-да санъаткорлар ҳам ўзимиз-дан чиқса яхшида. Ҳожи она-хонлар ва фаол хотин-қизла-римиздан «Мулоқот» гуруҳини тuzганмиз. Гуруҳ ёшларга ўз-ларининг қимматли маслаҳат-ларини бериб келмоқда. Ҳаёт-нинг паст-баландлиги гуруҳимиз маҳалла аҳли маслаҳатларига айланди.

Аллот ЖҲҲҲҲ Паст-даргом тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қиз-лар кўмитасининг раиси.

Туманимиз ҳудуди ҳам, салоҳияти ҳам, аҳолиси жиҳа-тидан ҳам вилоятда ўзига яра-ша мавқега эга, - дейди А.Жу-раева. - Туманда 250 мингга яқин аҳоли бўлиб, шундан 51 фойизини хотин-қизлар ташкил этади. Ҳожи оналаримиз, бош-қаларга ибрат бўладиган онахон-ларимиз, фаол опа-сингиллари-миздан «Мулоқот» гуруҳини

Азизжон ҚОДИРОВ,
«Mahalla» мухбири.

ЁШЛАРИМИЗ БИЛИМГА ЧАНҚОҚ



СУРАТДА: Бўз тумани педагогика билим юрти талабаси Мафтуна РЎЗМАТОВА

УЛУҒЛАР АЁЛЛАР ҲАҚИДА

◆ Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, у ҳақида ҳамиша нимадир янги гап айтиш мумкин.

С.БУФФЛЕР

◆ Аёл буюк сўз. Унда қизлик мусаффо-лиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати муҳассамлашган.

Н.А.НЕКРАСОВ

◆ Аёл севгисидан мусаффо бўлмаган, унинг мардлгидан мадад олмаган ҳамда камтарона йўриғига юрмаган одам ҳақиқий ҳаёт кечирмаган ҳисоб.

Ж.РЕСКИН

◆ Аёлларни севинг ва иззат қилинг, улар-дан фақат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларингизни икки баравар оширувчи қудрат ахтаринг.

Ж.МАДЗИНИ

◆ Эркак ва аёл муҳаббати - бу ихтиёрый келишувдир, бунини уларнинг қай бири бузса, фақат хиёнатда айбланади, аммо аёл она бўлгач, унинг бурчи янада кучаяди, биноба-рин табиат унга зурриёт масаласини ишо-ниб топширган,

Г.МОПАСАН

◆ Ҳамма ерда ва ҳамиша аёл кишининг энг олийжаноб фазилати - камтарликдир.

Н.М.КАРАМЗИН

Қидирбой ТЎЛАБОВЕВ
тўлади.

МАҲАЛЛА ҚИЗИ ЭДИ, бугун маҳаллага бош бўлди



Гулчехра опанинг отаси Қобил ака ҳам, онаси Ҳалима опа ҳам маҳаллага фидойи киши-лар эди. Отаси то умрининг охиригача маҳал-ла фаоли бўлди. Ҳалима опадан бугунгача ма-ҳалла- куй маслаҳат олади. Шундай қилиб Гул-чехра эсини таниганидан буюн маҳаллада, тўғри-роғи эсини маҳаллада таниди. Ота-она айни бола-чақа қўйнида бўлиши керак бўлган дам-ларда маҳаллада вақт ўтказарди. Шу боис Гул-чехра ҳам ҳар доим улар ёнида бўлишга тқғри келарди. Эсини танигач эса онаси маҳалла хо-тин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Ҳалима опага кўмаклашди. Тўғриси унинг тўдақлигидан маҳалла иши ичига кириши уни тенгдошларига нисбатан эртaroқ улғайтирган-дек эди. У онаси билан маҳалла ишига тор-тинмай аралашар, чўқур мулоҳаза қилар эди. Ана шундай кунлардан бирида уни оқсоқолга котибликка тавсия қилишди. Бир неча йил-дирки шу маҳаллада фуқаролар йиғини раиси. Ота-онасидан ўргангани, қолверса ўзининг ти-ришқоқлиги сабаб маҳаллани илгор маҳалла-лар қаторига киришига эришди. Ҳар ҳолда ҳеч бир йил йўқки, маҳалла қайсидир даражада тақ-дирланмаган бўлса.

М.ЛАТИПОВА

СУМАЛАК СУЗАР ОНА

Сумалак - баҳор таоми. Уни момоларимиз «Биби Фотиманинг оши» дейишади. Шу боис бўлса керакки, кутлуг Наврўз айёмига атаб сумалак пиширилади.



Айни баҳорнинг илк кунларида барча хонадон-ларда сумалак пиширишга таралдув қўрилган десак муболага бўлмас. Термиз туманининг Паттакесар ма-ҳалласи аҳли ҳам момолари анъанасини давом этти-риб, яхши ният билан хосиятли таомни қўни-қўш-нига улаштиш мақсадида бугун кўкартирмоқда. Шу маҳаллалик Дилрабо Қурбонаваларнинг хонадониди сумалак пишириш маросими унутилмас, ўйин-кул-гига бой бўлди. Кўкламни интиқлик билан кутаёт-ган маҳалла аҳли қўқариш фаслининг баракали ке-лишига дуо қилди.

Искандар ХҲҲҲҲ (ЎЗА) олган сурат.

Мехр кўриниши

ОТА-ОНА МУБОРАК, БОЛАЖОН!

Ҳа, Китоб туманидаги 5-Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари ота-оналик бўлдилар.

кўнглимиздан ўтади. Бунинг билан туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Лола Уроқова изох беради: - Биз атайлаб шундай йўл тутдик ва бир қатор мақсадларни олдимизга қўйдик. Биринчидан, Мехрибонлик уйи раҳбарла-ри биз тақдим этган аёлларнинг феъл-авори, касб-кори, дунёқараши билан ба-ҳол қудрат танишдиклар. Иккинчидан, улар-нинг оилавий шароити, оиладаги вазият, эр-хотиннинг ўзаро муносабатлари ҳисобга олинди. Ана шу ва бошқа ҳаётий тахриба-лардан келиб чиққан ҳолда қизлар бу аёл-ларга бириктирилган бўлди. Ишнинг та-ваққилига ҳақ этас қутилган натижани бе-рмаслиги мумкин.

Дастлаб қизлардан бири тумандаги «Та-дбиркор аёл» уюмчаси раиси Дилбархон Ус-монова бағрига отилди.

Фарзандларим сафига яна бир қиз қўшилганидан хурсандман. Менинг уйим сен учун ҳамиша очик, сен менинг баг-

римда улғаясан, - дейди навбатдаги қиз-лоқни бағрига босган туман халқ таълими бўлими услубчиси Хосиятхон Жабборов. - Икки ўғлим бор эди, бутун қизлик ҳам бўлди, - дейди боғча мудираси Мо-ҳира Бурхона. Ҳамкасбимиз, «Китоб тонг» газетаси-нинг муҳаррири Майсара Ҳайдаровани ҳам қизалоқ билан қутладик. - Тасодифи қаранг, - дейди у кўнгли-даги қувончини яширмай, - мен ҳамиша юлдузларга интилим, юлдузларни соғиниб яшардим. Менга фарзанд бўлаётган қизча-нинг номи ҳам Юлдузхон экан.

Шоҳиста Қодировани туманда танимай-диган, ҳурмат қилмайдиган киши топи-ласа керак. У етимлик, оналик меҳри қан-чалар улғ эканлигини бошқалардан кўра яхшироқ ҳис этади. Негаки, у Мехрибон-лик уйини ўн йил бошқарди. Неча-неча қизларнинг бошини силаб, қўнғилига меҳр улашди. Бу сафар ҳам Шоҳиста опа бошқа

оналар қатори бир ўқисик дилнинг бошини сийлайдиган бўлди. Ҳуллас, 30 нафар қизга ҳомийлик қилиб, уларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватламоқчи бўлган 29 аёлнинг қалбидан «Уртамиздаги меҳр ришталари сира узымайди» деган сўзлар отилиб чиқ-ди. Бу шунчаки айтилган сўзлар эмас, улар-да оналар юрагининг тафти бор.

Мехрибонлик уйининг Меҳр ва муру-ват йилда амалга оширилган тadbирла-ри белгилан олди. Ҳар ҳафтанинг чор-шанба кунини «Қизлар кунини» деб эълон қилинди. Шу кун қизлар билан маъна-вий, маърифий мусобақалар ўтказилди. Бу тadbирлар қизларни тутиган оналари би-лан янада яқинлаштирди.

Бу ердаги тарбияланувчи болаларга му-руват кўрсатишни, имкон бўлса болалар-нинг фарзандликка олишни истаётганлар сафи кенгайиб кетди. Қувончиси шундаки, эр-каклар ҳам аёллардан қолишмасликка, улар

бу ердаги ўғил болаларга оталик қилишга бел боғладилар.

Уч нафар ўғлим бор эди, Фаррух билан тўртта бўлди, -дейди туман ҳокими Гаффор Луқмонов, Туман кўприк қурилиш бошқар-маси бошлиғи Одил Бобоев Умиджонга, 2-ихтисослашган мактаб интернати директори Алимардон Норов алаши Алимардонга, Со-бир Раҳимов номи маҳалла оқсоқоли Бур-хон Худоёров Алишержонга оталик қилишга аҳд қилишди.

«Китоб-дон» масъулияти чекларган жами-яти Мехрибонлик уйида тарбияланаётган 5 бо-лани қарамонига олиб, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бериб келипти, Улар учун 5 млн. сўмлик акция ажратилган, Дивидент-лар болаларнинг банкдаги ҳисрб рақамларига ўтказилди, айни пайтда уларнинг ҳар бири-нинг юз минг сўмга яқин маблағлари бор.

Бу хайрли ишларнинг бошланishi, - дейди Қашқадарё вилояти хотин-қизлар кўми-тасининг раиси Дилором Холбоева. - Келгу-сила Қарши шаҳри, Қашани туманида ҳам ана шундай хайрли ишларни давом эттира-миз.

Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари би-лан она-оталар ўртасида кўзга қўринмас меҳр ришталари боғланди. Бу ришталар мустақкам бўлишига умид қиламиз.

Қурбон ЭҒАМБЕРДИЕВ.

ЭЛ КОРИГА ЯРАШ — УЛУГ ИШ

Сурхондарё республикасининг жанубий минтақасида жойлашган вилоят. Унинг табиий бойликлари беҳисоб.

Агар вилоятни табиий газ билан таъминлаш тарихига бир назар ташласак, бу долзарб ишга 1970 йили киришилганини аниқлаш мумкин.


Мустақилликка эришилгач, воҳда газлаштиришнинг янги истиқбол марралари белгиланди. Вилоят туманларига табиий газ етказиб бериш борасида катта ишлар амалга оширилди. Олтинсой, Бойсун, Бандихон каби узоқ тоғли туманларга табиий газ қувурлари тортилди. Газлаштирилган аҳоли масканлари маҳалла ва қишлоқларнинг сони кундан-кунга ошиб бормоқда.

Агар 1990 йилда вилоят бўйича аҳолининг атиги 12 фоизи табиий газдан фойдаланган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йил 1 январга келиб 60 фоизни ташкил этапти. Бошқача қилиб айтганда, газлаштирилган хонадонлар сони мустақиллик йилларида 5 баробар кўпайди.

Хозирги кунда вилоятда 168102 та аҳоли хонадони, 93 та саноат корхоналари, 2401 та коммунал-мушайиш хизмат объектлари табиий газ билан таъминланган. Вилоят халқ ҳўжалигини ривожлантиришда ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг кўпайтиришда табиий газнинг аҳамияти катта. Уни тежаш мақсадлида, истеъмолчилар томонидан табиий газни ортқича, ноўрин ишлатишга йўл қўймаслик тадбирлари кўриломоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартда қабул қилган қарорига асосан аҳоли хонадонларига газ ҳисоблаш асбоблари ўрнатилмоқда. Ушай йилнинг ўзига вилоят бўйича аҳоли хонадонларига 28700 дона, 2003 йилда эса 45300 дона газ ҳисоблаш асбоблари ўрнатилди. Бу рақамни 2004 йилда 91800 тага етказиб, газлаштирилган аҳоли хонадонларини 100 фоиз газ ҳисоблаш асбоблари билан таъминлашни мўлжаллаганимиз.

Бундан ташқари, табиий газни иқтисод қилиш мақсадида корхона ва ташкилотларда ёқилгини кўп исроф қиладиган эски газ ускуналарини замонавий, тежамкор ускуналар билан алмаштириш режаларини ҳам белгилганимиз.



“Қумқўрғонгаз” таъминоти филиали назоратчиси Т.Назаров (ўнгдан биринчи) хонадонларга ўрнатилган газ ўлчагич асбобларини назорат қилмоқда.

Бу соҳада дастлабки натижаларга эришилди.

Ўтган 2003 йилда 54 та шундай ускуналар янгисига алмаштирилганини туфайли, 4,0 млн. метр куб табиий газ тежаб қолинди.

Айни пайтда вилоят истеъмолчилари бир кунда 3087,0 минг м³ табиий газ билан таъминланмоқда. Унинг 2731,0 минг м³ аҳолига етказиб берилмоқда. 2004 йил давомида истеъмолчиларга 675,550 млн. м³ табиий газ етказиб бериш режалаштирилган.

Вилоятда янги қувурлар тортиб газлаштиришни тез суръатларда ривожлантириш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган 2003 йилда вилоят бўйича 308,7 км.газ қувурлари ўрнатилди. 36 та қишлоқдаги аҳоли масканларига табиий газ олиб борилди. Бундан ташқари, “Шўртангаз” мажмуасидан Қумқўрғон туманига бугун 195 км узунликдаги юқори босимли магистрал газ қувурининг қуриб ишга туширилиши вилоятда табиий газ таъминотини янада яхшилаш имкониятини яратди.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Етказиб берилмаётган газ учун истеъмолчилар томонидан ўз вақтида тўлов амалга оширилмаётган. Натижада пайдо бўлаётган дебитор қарзларни қаматириш эса муаммоларимиздан бирига айланмоқда.

Дебитор қарзни ундириш учун жойлардаги маҳалла йиғинлари ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатганимиз. Бойсун, Денов, Сарисий туманларида маҳалла оқсоқоллари аҳолидан табиий газ тўловларини йиғишга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Биз эса ўз навбатида йиғиштирилган маблағнинг 5 фоизини маҳалла йиғини ҳисоб рақамига ўтказиб бермоқдамиз.

Кейинги пайтларда ери ости сувларининг кўтарилиши ва ернинг шўрланishi ҳисобига ёпиқ газ қувурлари емирилмоқда, яроқсиз ҳолга келмоқда. Оқибатда айрим жойларда табиий газ таъминотида узидишлар содир бўлмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш учун 2004 йилда 35,9 км ери ости газ қувурларини тўлиқ таъмирлаш режалаштирилган.

Амалга оширилган барча ишлар замирида истеъмолчилар манфаати ётибди. Шу билан ҳам барча имкониятларини аҳолининг табиий газ билан узлуксиз ва бир метёрада таъминлашга қаратганимиз.

А.СУВОНҚУЛОВ,
“Сурхондарёгаз” таъминоти
шўба корхонаси директори.

* “Сурхондарёгаз” таъминоти шўба корхонаси таркибида 18 та филиал, 10га яқин ёниги тақсимлаш шахобчаси фаолият кўрсатмоқда.

* Узунлиги 195 километрни ташкил қиладиган Шўртангаз-Қумқўрғон магистрал қувурлари орқали 168102 хонадон, 2401 та улгуржи мижозлар, 93 та саноат корхоналари зангори оловдан баҳраманд бўлмоқда.

* Ўтган Обод маҳалла йилида узунлиги 308,7 километр газ қувурлари ишга туширилди. 436 та қишлоқ ва маҳалла, 4 та шахарча табиий газ билан таъминланди.

* Воҳа газчилари ҳам саховатпеша. Ўтган йили ночор ва кам таъминланган 506 оиланинг газ тўловлари қарзлари имтиёзли тугатилди. 243 та хонадонда газ ҳисоблагич ускуналари имтиёзли нархларда ўрнатилди.

* Ёниги тўловларини йиғиш бўйича 517 та маҳалла билан шартномалар тузилган. Маҳалла кўмағида истеъмолчилардан ойига 2,5 миллион сўм газ тўловлари ундирилмоқда. Унинг 5 фоизи маҳаллаларни рағбатлантиришга ажратилмоқда.

* Бу йил 80 километр газ қувурларини таъмирлаш ва алмаштириш кўзда тутилган.

УЗУННИНГ ЙЎЛЛАРИ...

Бозор иқтисодиёти шароити раҳбардан тадбиркорлик, уйдабуронликни талаб этади. Айниқса аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини қондириш катта имтиҳондай гап. Негаки, истеъмолчиларга узлуксиз табиий газ етказиб бериш, бошқаларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда зангори олов ёқаётган хонадонлар сонини кўпайтириш машаққатли иш.

Туманимизни газлаштириш мустақиллик йилларида тўғри келган, юртбошимизнинг шахар ва қишлоқларимизни газ ва ичимлик сув билан таъминлаш ҳусусидаги кўрсатмалари асосида бошланган эди. Ўн йил мобайнида Узун йўллари ва хонадонлари бўйлаб 21 километр юқори, 69 километр ўрта ва 163 километр паст босимли қувурлар ўрнатилди. 12 та юқори ва 160 та ўрта босимли газ тақсимлаш ускуналари бизнинг бевосита назоратимизда. Истеъмолчиларга келсак, шу пайтгача 6610 хонадон, 137 та корхона, ташкилотлар газлаштирилди. 42 кишлоқ жамоа аъзоларининг ҳаракатлари эвазига йилга 400-500 хонадонга зангори олов етиб бормоқда.

Бу иш маҳаллалар фаолияти билан узвий боғлиқ. Ўзаро шарт-

номалар тузилди. Тўртта қишлоқлардаги 17 та маҳалла газлаштирилган. Ўтган йили Истиклол, Тожиқобод, Қавчин, Меҳнат, Мустақиллик, Носир Рамазонов номи маҳаллаларга табиий газ етиб борган бўлса, жорий йилда яна шунча маҳаллани газлаштириш назарда тутилган. Бу ишда Раёно Йўлдошева, Фазилиддин Тожиқлинов, Рустам Жалилов, Мусулмон Мингбоев каби оқсоқоллар яқиндан ёрдам бериб, ташаббускор ва тадбиркор бўлмоқдалар. 18 километрлик янги газ қувурларини тортишда Гулистон, Ж.Эшмуродов, Б.Омонов сингари ширкат ҳўжаликлари ҳомийлик қияптилар. Шунингдек, 2004 йилда маҳаллий бюджет ҳисобидан туманда уч километр газ қувурлари тортиш режалаштирилиб, аллақачон иш бошланган.

Барибир бу соҳада ҳали бажариладиган ишлар кўп. Асосий муаммо туманда автоматик газ тақсимлаш станциясининг йўқлиги. Туман ҳокимлиги 2005 йилда, ҳомий ташкилотларнинг ёрдами билан станцияни бунёд этишни мўлжаллаган. Агар у қуриلسа, бир йўла 23 маҳаллага табиий газ етиб борган, 180 километр узунлидаги тармоқ жойлашган қишлоқ ва маҳаллалар газлашган бўлади.

Ўқтам ЙЎЛДОШЕВ,
Узун туманидаги Телпакчинор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

ҚАНОТ ЖУФТ БЎЛСА...



Вилоят ИИБХХ ходимлари тез-тез истеъмолчилар ҳўжурда бўлиб газдан фойдаланиш тартибларини яхшироқ сўхбатлашмоқда. Бу сафар улар Шўртангаз туманидаги маҳаллаларга ташриф буюрди.

Аҳолига хизмат кўрсатишнинг ана шу соҳасини бугунги кунда Деновда Бахтиёр Янгитбоев номи билан боғлайдилар. У асли Бойсуннинг Алачопонидан. Тақдир тақозиси билан 1958 йили Янгитбоевлар оиласи Деновга кўчиб ўтганда, у атиги икки ёшда эди. Отаси Худойберди ака умрини ёшлар тарбиясига бағишлаган ҳўрматли инсонлардан. Бахтиёр ҳам зиёли оилда ўсиб-ўлағди, мактаб қурди. Мақсадлари сари интилди. Интилганга эса толе ёр, дейдилар.

Денов дегани жуда гавжум жой, савдо-сотиғи ҳамиша баравж. Одамлари ўта меҳмоннавоз. Уй бекаларининг бир оғи меҳмонхонада, иккинчиси ошхонада. Меҳмон атои ҳудо дейдилар, уларнинг иззатиға етишга деновлик аёллар моҳир. Ўчоқда ловиллаб ёнаётган газ уларнинг юмушини осонлаштиради.

Деновликларнинг бошқалардан ажралиб турадиган бир томони бор: ҳар бири тадбиркор, ҳар бири ишбилармонликда тиришқок. Ёши улғайди, қўли ишга боради. Бахтиёр ҳам газ корхонасида оддий чиллағарликдан иш бошлади, кейин уста даражасига кўтарилди. Бу орада 1982 йилда

Тошкент политехника олийгоҳининг нефт-газ қурилишни тугатди. Муҳандис, техника хавфсизлиги муҳандиси лавозимларида узоқ йиллар ишлади. Жамоа аъзоларини бир мақсад сари йўналтиришда билим ва тажрибасига таянди. Жамоа 1996 йилда Б.Янгитбоевнинг ўзларига раҳбар этиб сайладилар. Энди унинг иши ҳам, зиммасидаги масъулият ҳам ўн чандонга ошди.

Раҳбар кишининг ёнида қаноти бўлгани яхши. Унга Баҳриддин Қурбоновдек зукко, муҳандис ўнг қанот

бўлиб турганда, Бекназар Шамсидинов, Холбой Латипов, Хусниддин Шохўжаев каби назоратчилар бел бўлиб ишлаётганлигини қўриб ҳам меҳнат самараларидан қувонсан, киши. Бунинг устига уларнинг 11 нафари олий маълумотли, 20 нафари махсус билим-юртларда таҳсил олган. Жамоа аъзоларининг нияти бир, интилиши бир. Айни чоғда шахардаги 14440 хонадонга зангори олов етиб борган. 300 та улгуржи истеъмолчилари бор. Шаҳар деярли 100 фойз газлашган.

Бир ойда 5 миллион метр куб ҳажмдаги табиий газ етказиб берилди, - дейди биз билан сўхбатда Б.Янгитбоев. — Юқори, ўрта, паст босимли қувурлар, газ тақсимлаш ускуналарини назорат қилиш ҳам газчилар зиммасида бўлса-да, тўловларини йиғиш олиш бевосита 17 та маҳалла фуқаролар йиғинидан орқали амалга оширилади. Ойбек, Собир Раҳимов, Остонақулов Лолазор, Жомий, Ҳамза маҳаллалари фаоллари уларнинг энг яқин ҳамкорлари ҳисобланадилар. Шунинг учун хонадонларнинг газ тўловла-

ри бўйича қарзлари йўқ. Бор қарзлар ҳам қорхона, ҳўжаликлари ҳисобидан. Йилига 5105 та ҳисоблагични алмаштириш ҳам катта иш. Ўтган йили маҳаллалар ёрдами билан бир километрлик газ қувурлари таъмирланди, эскилари алмаштирилди. Жамоа ўз ҳисобидан бир неча километрлик қувурларга бўёқ берилди.

Жонқўё раҳбар Б.Янгитбоев жамоада бир хайрли ишни йўлга қўйган. Ўтган йил шахар газчиларининг савй-ҳаракатлари туфайли 7 миллион сўм сўф даромад олинган бўлса, ушбу йилда бу маблағнинг асосий қисми меҳр-мурувур ишларига сарфланган. Шаҳарнинг ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш, турли тадбирлар уюштиришда ҳомийлик кўрсатиш уларнинг бурчи. Ёнг қувончли томони - 110 нафар ака-ёғиз қари-ларнинг уйларига газ ҳисоблагичлар бепул ўрнатиб берилди. Газ тўловлари ҳам имтиёзли равишда олинаётганлиги хайр-саховатнинг бир белгиси.

Парда НАЗАРОВ,
журналист.



Ангор тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи, ички хизмат капитани Б.Ўзманов фуқаролар билан газдан фойдаланишда ёниги хавфсизлигини таъминлаш борасида сўхбатлашмоқда.

Хотираси ёрқин оғам

Бойсун тумани ҳўдуди айрим вилоятларимиз ҳўдудидан қарийб икки ярим баробар катта. Аммо унинг 90 фоизидан ортиқроғини тоғ ва тоғ олди водийлари ташкил қилади. Ана шундай табиий қийин шароитда умрғузаронлик қилаётган юз мингдан ортиқ аҳолини газ билан таъминлаш осон эмас эди.

Бу тўғрида фикр юритганимизда иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Шўқрулло Умаровнинг нуруний сиймоси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Негаки, Бойсунни газлаштиришнинг тамал тошини шу одам қўйган, бу ишда унинг хизмати беқийс катта. У бошлиқ этиб тайинланган 1971 йили корхона Шеробод туман газ таъминоти идорасига қарашли эди. Ундан туман марказидаги бор-йўғи икки юзга яқин хонадон суўлтирилган газ оларди. Таъминотда эса муаммо қалашиб ётарди. Балон қўтариб газ олиш учун навбатга турган одамларнинг кети қўринмас, тирбанд бўларди. Ш.Умаров аввало корхонани Шеробод тумани таркибидан ажратиб олиш чораларини қўрди. Бойсунда газ таъминоти идораси таркиб топти. Дастлаб ўн етти киши ишга жалб этилди. Аҳолига суўлтирилган газ етказиб беришни қўпайтириш мақсадида Денов тумани, Термиз шахарлиги газ тўлириш шахобчалари билан шартномалар тузилди.

Мижозлар сони ҳам тезда кўпайди. Ҳар қуни ўнлаб хо-

олиб келинди. Газ балонлари юкланган машиналар сони эса иккитадан еттига етказилди. Шаҳардан ташқари, Пулҳоким, Инкабод, Даштиғоз, Қоғрун, Сайроб, Дарбанд, Ҳўжабўғон, Мачай каби эллик еттига қишлоқ аҳли ҳам суўлтирилган газ ёқа бошлади. “Зангори олов” кириб борган хонадонлар сони ўн тўрт мингтадан ошди. Қувончлис шундаки, қўшин Олтинсой, Қумқўрғон, Қизирик, Бандихон туманлари меҳ-



ТАМАЛ ТОШИНИ ҚЎЙГАНЛАРДАН ЭДИ

наткашлари ҳам Бойсундан суўлтирилган газ олабозлашди. Кунларнинг бирда Шўқрулло Умаров жамоани йиғди. Маслаҳатлашиб, шу куннинг ўзи янги бино қурилишига киришди. Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин, Шўқрулло ака иш бошидан сира жилмади. Йиғитларга қўшилиб ўзи ҳам меҳнат қилди. Кунлар ўтиши билан шарқона меъмориликка асосланган қўш қаватли, пеш айвонли қошона қад кўтара бошлади. Мустақилликка эришишимиз арафасида бино битди.

Мана, ўн йилдики, Ш.Умаров орамизда йўқ. Аммо у бошлаган хайрли, савоб ишларни Баҳриддин Тиллаев, Акмал Намозов, Акбар Жураев, Чори Гафоров, Музаффар Худойқулов, Аскар Рашидов, Мамат Туробов сингари муҳандис, техник ва назорат-

чилар давом эттириптилар. Биргина ўтган йили Пасурих, Инкабод, Тиллақамар маҳаллалари газлаштирилган бўлса, бу йил Тўда, Даштиғоз маҳаллаларига табиий газ қувурлари тортиш иши давом эттирилипти. Ҳозир ойида 4,5 миллион куб табиий газ оляпмиз. Ўтган йили маҳалла оқсоқоллари тавасий билан элликка яқин ночор оилаларнинг газ тўловини зиммаимизга олдиқ, ўнга яқин оилга газ ҳисоблагич ускунасини бепул ўрнатиб бердик. Тумандаги Меҳрибонлик уйини, шахардаги 2-ўрта мактабини ҳомийликка олганимиз. Уларни моддий қўллаб-қувватлаб келяпмиз.

Шавкат СОДИҚОВ,
Бойсун туман газ таъминоти филиали директори.

Оқсоқол фаолиятида бошқа масалалар қаторида албатта, газлаштириш, газ тўловлари билан боғлиқ масалалар ҳам ўрин олади.

ГАЗЧИЛАР МЕХНАТИНИНГ САМАРАСИ

Бунда туман газлаштириш идораси бошлиғи Раҳимддин Пирназаров бизга энг яқин ҳамфикр, маслаҳатдош.

Раҳимддин Пирназаровнинг корхонага раҳбарлик қилаётганлиги яқинда бир йил тўлади, лекин у аввалдан шу соҳада ишлаганлиги учунми, ишга тадбиркорона ёнашди. Маҳалла йиғинлари билан узвий алоқада, айни пайтда Сарисий туманидаги 14420 хонадон, 76 та улгуржи истеъмолчиларга табиий газ етказиб берилипти.

Бугуннинг ҳолати шундай: ҳаммаси ҳаракатда, ҳаракатдан келадиган баракатга боғлиқ. Тоқчиён, Пулат Хидиров номи, Сўфиён ширкат ҳўжаликлари газлаштириш ишларида бевосита иштирок этидилар. Бир йўла 8 маҳаллага газ етиб борди. Масалан, “Тоқчиён” ширкат ҳўжалиги 75 миллион сўмлик газ қувурлари ўтказишда мадад берган бўлса, шу ерлик халқнинг ўзи хашар йўли билан ва ўз ҳисобларидан улкан бунёдкорлик ишини амалга оширдилар. Шу кунларда Шарғун, Дашнабод, Гулистон қишлоқлари, Кичик Сўфиён, Оқунбобоев маҳаллаларида ҳам аҳолини иссиқлик манбаи билан таъминлаш ишлари бошланди. Бу ишга Пулат Хидиров номи ширкат ҳўжалиги 10 миллион сўм маблағ ажратган.

Айтиш мумкин, газ тўловларининг асосий қисмини йиғиб олиш назоратчилар меҳнатига боғлиқ, 14 назоратчи 45 та маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан бир мақсад сари ҳаракат қилмоқда. 25-30 миллион сўмлик газ тўловларини тушириш улар меҳнатининг самарасидир. Бу бадалларнинг 10 фоизи маҳалла ҳисобига ўз вақтида ўтказилмоқда. 2002 йилда 2 миллион, 2003 йилда 5 миллион сўм маблағ тўловлар ҳисобидан маҳаллаларга қолдирилди. Хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатиш ҳам аниқ режа асосида бормоқда. Бир ойда 700 тагача газ ҳисоблагичлар ўрнатилди, умумий кўрсаткич 5271 донани ташкил этади. Газлаштирилмаган аҳоли пунктлари ҳам ана шу соҳа ходимларининг эсидан чиқаётгани йўқ. Уларга 10 тоннагача суўлтирилган газ етказиб берилипти.

Ўфат АДОНОВ,
Сарисий тумани Оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” хайрия жамғармаси туман бўлини маси раиси.

ҲАВДАКНИНГ ЗАНГОРИ ОЛОВИ

Қизик гурунг қўнғил қалити — исоннинг руҳини кўтаради, эзгуликлар сари ундайди. Тоҳир Ҳамроев билан сўхбатимиз айнан газ хизмати соҳасида кечган бўлса-да, унинг самимий мулоҳазалари, ҳаётга ҳолисона муносабати киши қўнғилига хуш ёқади. У аслида иссиқлик ва газ таъминоти бўйича олий маълумотли мутахассис. Туман газлаштириш корхонасида 1985 йилдан бўён меҳнат қилади. Фаолиятини оддий чилангар-усталикдан бошлаб, кейинчалик муҳандис, бош муҳандис бўлиб ишлади. Ўтган йилдан бошлаб эса шу корхонага раҳбар.

— Ҳали бола эдик, — дейди Тоҳир Ҳамроев, — биласиз, ёшлар ҳар қандай нарсани жиддий қабул қилавермайди. Ўшанда Ҳавдакдан газ чиққанлигини эшитган бўлсак-да, аҳоли хонадонларига уни етказиб бериш нақадар машаққат эканлигига ақлимиз етмади. Кейин аниқласам бу тарихий воқеа экан. Ҳавдакнинг саховатли заминидан отилиб чиққан зангори олов Жарқўрғонни воҳда биринчи газлашган масканга айлантирди. Ҳозир 17 мингга яқин уйларга зангори олов етиб борди. 256 ҳўжалик ва корхона, ташкилотлар бинолари ҳам табиий газ билан иситилмоқда. Шу кунгача 400 километрдан ортиқ юқори, ўрта ва паст босимли қувурлар мавжуд бўлса, айримларининг иш бераётганига 30 йилдан ошди. Жарқўрғон шахри ва 22 қишлоқ тўлиқ газлаштирилган. Туманимиз қолган ҳудудларини газлаштириш мустақиллик йилларида амалга оширилди. Биргина 2003 йилда Оққўрғондаги Қораёғоч, Ўзбекистон, Жинжақтапа, Истара, Эски қишлоқ каби маҳаллалар газлаштирилди ва туман марказида қарийб

18 километрлик газ қувурлари тортилди. Жорий йилдаги вазифа Сурхон шахарчаси томон 2 минг метрлик қувурлар ётқизишдан иборат. Баъзи газ қувурлари аллақачон эскирган. Қувурларнинг 50 фоизини алмаштириш зарур. Бу ишни босқичма-босқич бажаряпмиз. Хонадонларни газлаштириш ва қувурларни алмаштиришда Сурхонтекстил, туман машина-трактор парки корхоналари, Норали Боймуродов, Тўхта Шобуров номи ширкат ҳўжаликлари ҳомийлик қияптилар. Бугунгача уларнинг кучи билан ва газ корхонаси ҳисобидан 20,9 миллион сўмлик иш бажарилиди.

Айни кунда 63 кишлоқ жамоамиз туманимиз аҳолисига табиий газ етказиб беришда бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилмоқда.

Бунга туманимиз маҳаллаларини қўздан кечирган, фуқаролар билан сўхбатлашган ҳар бир киши ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Қувондик БЕГАЛИЕВ,
“Маҳалла” жамғармаси Жарқўрғон тумани бўлини маси раиси.



“Бойсунгаз” корхонаси директори Ш.Содиқов Пойгабоши маҳалласига ўрнатилган газ тақсимлаш ускунасини ишга туширмоқда. Энди бу маҳалла аҳли табиий газдан баҳраманд бўладилар.

Саҳифани тайёрловчилар: О.ШУКУРОВ, П.НАЗАРОВ.

● Иқро

Ҳасан АЛМАТОВ
ОҲАЖОҲИМ

Тонг эпкин пешонами
силаб ўтди,
Оқ туяни кундузимга
улаб ўтди,
Балки менга узоқ умр
тилаб ўтди,
Уша эпкин сизмидингиз,
онажоним.

Сиз тушимга кирганда
тун оққан эди,
Ой ҳам хира фонусини
ёққон эди,
Деразмдан тиник ёғду
боққан эди,
Уша ёғду сизмидингиз,
онажоним.

Аҳён-аҳён кипригидан
томар ёшим,
Сизни қумсаб қабристонга
оғар бошим,
Меҳрингиздай илтифатлар
кўк қуёши,
Уша қуёш сизмидингиз,
онажоним.

Йигитлик-да, ишқ ҳақида
уй сурибман,
Баъзан ғамгин, баъзан эса
шод юрибман,
Тупроқ - Ернинг елкасида
ғоз турибман,
Уша тупроқ сизмидингиз,
онажоним.

Мен тупроқни суртдим
қўз қабонида,
Алла саси эшитилди
қулоғимга,
Майса ҳиди анқиб келди
димомимга,
Уша майса сизмидингиз,
онажоним.

Тонг эпкин пешонами
силаб ўтди,
Дилгинами туйғуларга
белаб ўтди,
Балки менга шорлиқни
тилаб ўтди,
Уша эпкин сизмидингиз,
онажоним.

● Биз ўқидиған китоб

“Аёл — дунёнинг сирин”

Гулчеҳра Жамилованинг “Қоядаги атиргул” тўпламига қисса, ҳикоялар, бадиалар, публицистик асарлар киритилган. Ёзувчи китобни уч бўлимга ажратган. Бўлимларнинг номланиши менга маъқул бўлди. Айниқса, “Аёл — дунёнинг сирин” деган сарлавҳа заминида қат-қат маъно бор.

Муаллиф журналист - ҳаётни, одамларни яхши билувчи эмасми, шу нарса бадиий асарда акс этган. Ёзувчи қишлоқ, шаҳар ҳаёти, кайфиятини яхши билади. Унинг қаҳрамонлари ҳам етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ўзбек аёли, эркалари. Бир қарасангиз, қисса, ҳикоялардаги воқеа-ҳодисалар ўта жўндай туюлади. Аслида, ҳаётни ич-ичидан кўра билиш, инсонлар руҳиятини лўнда акс эттириш осон эмас. “Гуласал” қиссасида шаҳар, бу ердаги аёллар ҳаёти, муносабат муомилалари аниқ чизилган. Гулсаладан тақинчоқлар олган, уларни қайтариб бергиси келмаган аёлнинг турки-таровати дарҳол кўз ўнгингизда намоён бўлади. Гулсала шаҳарда яшаса-да, қалби, руҳи билан қишлоқлик бўлиб қолган.

Гулсала тезда шаҳарлик аёл қиёфасига кириди. Лекин у табиятан қишлоқлик - удумларни билувчи, ориятли, ваъдасида турувчи бўлиб қолаверди. Гулсаланинг эри яна бир йил чет элда қоладиган бўлди. Бу муддат ичида Гулсала қандай йўл тутди, ҳаёт мураккаблиқларини қандай ҳал қилди? Хуллас, қиссанинг жумбоқлари тугалланиши ўзини оқлаган.

Гулчеҳра Жамилова ҳикояларидан бир қанча қаҳрамонлар қайсида жўндай билан Гулсалага ўхшаб кетди. Мен бу ўринда Шохидани (“Изибоб”), Насибани (“Ёруғ кун”), Нилуфарни

(“Мени қойиманг”) назарда тут япман. “Қоядаги атиргул” тўпламида ёшлар ҳаёти, севги изтироблари тасвирланган ҳикоя, мушоҳада, бадиалар диққатга сазовор. Чиндан ҳам, севги, оила қуриш - энг мураккаб, нозик масалалардир. Ёшлар бу масалаларга хато қилдилар: изтиробга тушдилар, азобланидилар, йўл излайдилар. Шундай ўринларда қаҳрамонлар руҳияти кўзда “ярқ” этиб ташланади.

Гулчеҳра Жамилова бир қатор бадиа, публицистик асарларда аёлнинг - дунё сирин, дунё файзи, дунё таянчи эканлигини ёритади.

Гулчеҳра Жамилова халқ қалбини, қадриятини яхши биладиган адиба. У ўрни-ўрни билан ибратли қўшиқлардан, алла, ёрлардан намуналар келтиради.

Хазон тўқмас боғимсан, аллаё,

Таянганда тоғимсан, аллаё.

Тўпламдаги “Менинг қирқ жоним” номли икки қатрада қишлоқ ва шаҳар аёлининг тиниб тинчимаслиги ниҳоятда ишонарли тасвирланган. Гулчеҳра Жамилова аёл юмушлари, тиниб тинчимаслигини ўрнига қўйиб тасвирлаган. Асарда ривоят, афсона, ҳикоятлар ўрни-ўрнида келтирилган. У фойдаланган “Қирқ жоним олма” ҳақидаги ривоят эндиликда саҳна асарига ҳам кириб келди.

Гулчеҳра Жамилованинг “Қоядаги атиргул” тўпламидаги асар-

лар сўз масъулияти, унинг асардаги вазифаси ҳақида мулоҳаза юритишга ундади. Китоб муаллифи, айтилгандай, яхши журналист. Ёзувчи ҳам, журналист ҳам, сўз билан ишламайди. Лекин сўздан фарқи бор. Аслида-ку, сўз ҳамма учун зарур қурол. Биров ундан шунчаки, зарурат сифатида фойдаланади - мақсадини ифода қилади, холос. Ёзувчининг сўзи сифат белгисига эга қуч-қуларат. Ёзувчи сўз қадрини осону фаллаққа қўйишади. Бадиий асардаги сўз серхосил дарахт, мисоли. Сўз “парварши” қилинган унинг маъно-мазмунини кўп, теран бўлади. Ҳақиқий асарлардаги сўзлар, мисоли тирки мавжудот: улар ўсади, ўзгаради, таъсир этади... Бадиий асар яратётган ижодкор ҳар бир сўз, гап, бандининг солиштирма оғирлигини (маъно нуқтаи назардан) чамалаб кўрмоғи жоиз. Бадиий асарда сўз озу,

маъно теран бўлиши талаб этилади. Гулчеҳра Жамилова бадиий асар ёзишда журналистикадаги тезкорлик, сўзни мўл-қўл ишлашдан қочиши лозим эди. Катта асарда илк сатр масъулияти ниҳоятда муҳим.

Г.Жамилова “Гулсала” қиссаси-

нинг илк жумласини: “Дугонаси Салиманинг “қиз мажлиси”...” дея лўнда, қисқа, қизиқарли тузган. Лекин кейинчалик ёзувчи сўз масъулияти, жумла тузиш маҳоратини биров унутмаёйди. Китобнинг 25-бетиде: “Бундан икки йил...” деб бошланган жумла 8 қаторни, 65 сўзни ташкил қилади. Бир жумла - 8 қатор, 65 сўз! Бадиий асар учун бу жуда кўп-да! Шунингдек, қисса, ҳикоя, мушоҳадаларда ҳам бундай залворли жумлалар бор.

Ўзбек адабиётида, хусусан, қисса, романларда нома шаклидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади. Қумушу Отабек, Анвару Раёно мактублари ҳақида алоҳида мақолалар ёзилган. Гулчеҳра Жамилова Толибнинг Гулсалага мактубини одмироқ ёзиб қўя қолган. “Салокат қиссаси”даги қиз хати ҳам жўнгина. Лекин ёзувчининг “Уйғониш соатлари”даги мушоҳада, ҳикоялари анча пишиқ, ҳар уч ҳикоянинг илк сатри лўнда, ўйлаб ёзилган. Шундай пайтда беихтиёр: “Бўлар экан-ку!” деб юборасан киши.

Китобнинг учинчи бўлими (“Қишлоқдаги гурунлар”) ҳажвия, ҳангомалардан иборат. Бу бўлимнинг ҳам мусбат, манфий томонлари бор. Ҳажвияда

Гулчеҳра Жамилова
Қоядаги атиргул

сўзнинг масъулияти яна ҳам кучлироқ бўлиши шу бўлимда жуда сезилиб қолган.

Гулчеҳра Жамилова ҳаётини масалаларни нозик илғайдиган ижодкор. Унинг дуруст образлари кўп. Ёзувчи илк жумла масъулиятини сезади, жанрлар талабини ҳис қилади. Аммо унинг асарларида сўздан шунчаки фойдаланилган ўринлар ҳам талағина. Хуллас, “Қоядаги атиргул” китоби истеъдоднинг эмас, балки тинимсиз меҳнатнинг ҳам тотили мевасидир.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
профессор.

Наманган вилояти
МУРУВВАТ КУНЛАРИ - ЙИЛ ДАВОМИДА

“Экосан” халқаро жамағатсиз вилоят бўлими, вилоят телерадиокомпанияси ташкил этган “Қўшни-қўшига” шiori остидаги “Мурувват кунлари”да бошқалар қатори хусусий тадбиркорлар, фермерлар ҳам иштирок этаётгани бежиз эмас.

“Мурувват кунлари”нинг дастлабки тадбиркорларидан ўндан ортиқ соҳаватда тадбиркор ва ишбилармонлар иштирок этиладиган бўлиши маҳал-ладошларига, қўшниларига моддий ёрдам кўрсатдилар. Уларнинг кўпи мушумончилик эти-қолларидан келиб чиқиб, ўзлари қилган ишни сир тутдилар.

Айни кунларда “Мурувват кунлари” барча шаҳар ва туманларда бўлиб ўтмоқда.

— Мазкур тадбир давомида республика миқёсида эълон қилинган “Энг мурувватли қўшни” кўрик танловига ҳам намоздорлар танланади, дейди “Маҳалла” жамағатси вилоят бўлими раиси Олимжон Нуриддинов.

Солижон УСМОНОВ,
“Mahalla” мухбири.

Диққат: ТАНЛОВ!

Бу йил Ўзбекистонда Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилинган. Бу ўзбек халқига хос азалий одат, ҳеч ким, ҳеч қачон бошқа миллат кишиларини дини, рангига қараб ажратмаган.

Болаларга нисбатан эса меҳримиз бўлачак. Кимдир тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан, мурувватидан ва қалб қўридан маҳрум бўлган бўлса, унга нисбатан эътиборимиз янада ошадди. Улар учун мамлакатимизда ўйлаб замонавий жиҳозланган Меҳрибонлик уйлари бунёд этилган. Уларда болаларга шундай ғамхўрлик кўрсатиладики, кичкинтойлар ўзларини етим деб ҳис этишмайди.

Шу билан бирга бундай болаларга яна бир бор ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш ҳеч қачон ортиқчилик қилмайди. Маълумки, Ўзбекистоннинг минглаб қорхона ва ташкилотлари, хусусий ирмалар, олий одамлар бу болаларга имкониятлари даражасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Яна кўп одамлар бундай меҳр-мурувват кўрсатиш ишига ўз ҳиссаларини қўшилишни истайдилар, аммо қандай йўл тутишни билмайдилар. Уларнинг қўчилиги бу болаларни ўғил-қиз қилиб, ўз қарамқўралига олишни хоҳлайдилар-у, бунини қандай расмийлаштириш учун қайси идорага мурожаат қилишни билмайдилар.

Тан олиш керакки, бу соҳада юзага келган вазият ҳақида жамиятимизда маълумот етарли эмас. Бу борада оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган мақолаларда воқеаларга бир томонлама ёндашилмоқда, ачинарли ҳаёт тасвирланмоқда.

Шу муносабат билан «Сен ёлғиз эмассан» Болалар жамоатчилиги жамағатси республика Хотин-қизлар кўмити ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ота-онасиз ўсаётган болалар ҳаётига бағишланган матбуотда, интернет нашрларида берилган энг яхши мақолалар, радио эшиттиришлари ҳамда телевидение кўрсатувлари, аудио ва видео роликлар тайёрлаш учун танлов эълон қилади.

Танлов шiori: «Бахт-иқбол... ҳуқуқига эгаман».
Танловга 1 июнь - Болаларни ҳимоя қилиш кунига яқин ясалди.

Танлов мақсали - фуқароларда Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлардаги мавжуд аҳволга шахсий масъулиятни оширишга қаратилган.

Танловга оммавий ахборот воситаларида 2004 йил 1 мартдан 2004 йил 15 майгача эълон қилинган материаллар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар билан 136-73-76 сонли телефон ва info@sen.uz электрон почта орқали танишишни мумкин.

Ғолиблар қуйдаги мукофотлар билан тақдирланади:

Матбуотда, Интернет нашрларида эълон қилинган энг яхши мақолалар учун:

1 ўрин - 200.000 сўм
2 ўрин - 125.000 сўм
3 ўрин - 75.000 сўм

Телевидениеда кўрсатилган энг яхши туркум (6 кўрсатув) учун:

1 ўрин - 500.000 сўм
2 ўрин - 300.000 сўм
3 ўрин - 150.000 сўм

FM радиодаги (6 эшиттириш) энг яхши туркум эшиттиришлар учун:

1 ўрин - 100.000 сўм
2 ўрин - 75.000 сўм
3 ўрин - 50.000 сўм

Энг яхши видеоролик учун - 100.000 сўм.

Энг яхши фото ва фоторепортаж учун - 200.000 сўм.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.

A-2, 2 босма тобик.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.

Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

**МУНАЖЖИМЛАР**
МАЪБУРИ

КҲЙ (21.03-21.04)

Айни кунларда кайфиятингиз анча тушқун бўлиши мумкин. Бунга сабаб кўнгил қўйган кишинингнинг ортиқча қайсарлиги сабаб бўлади.

СИГИР (22.04-20.05)

Сизни айни кунларда узоқ сафарга тақдир қилади. Аввалига унча кўнгилнингиз тортмасда, ҳарқолда сафар сўнггида уни рад қилмаганингиздан шод бўласиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Ойлангизда, иш жойингизда сизни нотўғри тушуновчилар, бу билан ғашингизга тегувчилар топилди. Сиздан босиб, вазминроқ бўлиш талаб этилади.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Майда - чуйда гийбатсифат гапларнинг қаҳрамонига айланиб қолмай десангиз айни кунларда ўз режаларингизни дуч келган кишига сўзламанг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Шу кунларда бирон-бир ижобий йўналишда излансангиз, катта муваффақиятга эришишингиз мумкин. Ҳеч бўлма-са ошда бирон янгилик қилишга интилинг.

ПАЗИЗОД (23.08-22.09)

Айни кунларда сиздан қатъий талаб этиладиган нарсас - соғлигингизга эътиборли бўлинг. Кўча-кўйда техника ҳавфсизлиги қоидаларига риоя этинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Қўнчилик билан бидатингиз юмушини бир узингиз удаламоқда бўласиз. Бу уринишларингиз эзо кетиши мумкин. Кўнчингизни беҳуда сарфламанг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ота-оналар, фарзалар ўртасидаги муносабатлар вақти-вақти билан тантанали бўлиши керак. Айни пайтда сиз шундай ҳолатни бошдан ўтказасиз.

ЎКОТАР (23.11-21.12)

Ким нима деса дея-версин, молиявий ишларда ўз фикрингизда қолманг. Сизга ундай бундай маслаҳат берувчиларнинг кўпчилиги ҳолис эмас.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)

Шу кунларда табиат қўйида кўпроқ бўлиш, имкони борича хотиржам бўлиш зарур. Асарларингиз ҳалдан эиёл толиққан. Дам олинг.

КОВҒА (20.01-18.02)

Яқин кунларда анча соғинган дўстларингиз, яқинларингиз билан кутилмаганда кўришингиз назорат этиди. Бу дийдор таъсирида бир неча кунни бир нафасдек ўтказасиз.

БАЛИК (19.02-20.03)

Баҳорий кайфият оғушида, бир нечта олийжаноб ишларга қўл урасиз. Бу сизга катта обрў келтиради. Ҳатто молиявий фойда қўришингиз эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Утеранный временный ордер №13-03/978 от 19.07.99г выданный на имя Ковтуновой Камилы Мухаматовны считать недействительным.

● Театр ва томошабин

МУХЛИСИ ЙҮҚ ТЕАТР...

Театрларимиз биз хоҳлаймизми, йўқми ўзининг мақоми, даражасига эга. Бунинг замири томошабин аллақачон аниқлаб олган. Шунингдек, ҳар бир театр ўз томошабинига эга. Томошабини алоб бўлмайди. Аммо, уни чалғитиш мумкин. Бундай ҳолда театрда ҳам бозорча “ўсуб” қўланилади.

Бу аслида театрға хос эмас. Агар биз театрнинг мақоми ва обрўсини сақлашга қатъий ҳаракат қилсак, у ўз томошабини топиб олади. Ҳозир инсоннинг нозик туйғуларига таъсир қилувчи, маҳкам бўлувчи спектаклларга эҳтиёж катта. Тўғри, жаҳондаги мумтоз “Отелло”, “Ҳамлет” каби шох асарларни

қўйиш учун маҳорат танқис. Шу билан бирга бундай спектаклларнинг ихлосмандлари ҳам кам. Бу билан биз ҳозирги истеъдодлар ва томошабинларни камситмоқчи эмасмиз. Демак, ҳозирги замондош режиссёрларимиз актёрларнинг истеъдоди ва маҳоратини намоён этишга асарлар қўймоғи керак. Бундан

қўзланган асосий мақсадимиз умуминсоний қадриятлар даражасида асарлар яратиб уларни саҳнага олиб чиқишдир.

Биз театр ва томошабин муаммосининг ечимини юзгаки тушунамаслигимиз керак. Бу муаммо катта ижтимоий, аниқроғи умуминсоний муаммо омили ҳамдир. Демак, бозор муносабатлари зарура-

ти нуфузли томошабинлар орттиришни талаб қилади. Шундай экан, томошабини йўқ театрдан воз кечадиган давр аллақачон келди. Агар улардан бошқа мақсадда фойдаланиладиган бўлса, унда бу масканни асло театр деб атамаслик керак.

Шунингдек, томошабин миқдори учун курашмоқчи бўлсак, талаба, ўқувчиларни ва ҳозирги пайтда оdatга кира бошлаган маҳалла аҳолисини ҳам мажбурлаб театрда олиб келишдан қўра, спектаклларни ўқув юрти, мактаблар ва маҳаллаларга олиб бориб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Гўзал РАҲМОНОВА,
талаба.

Байрам ҳазинлари

Хусан СОДИКОВ чизган расмлар

Тахрир хайъати:

Аъзам ГАДОЙБОВЕ,
Акмал САИДОВ,
Нигматилла АБДУЛЛАЕВ,
Бобур АЛИМОВ,
Рустам КОСИМОВ,

Расул РАҲМОНОВ
Абдунаби МАННОПОВ,
Мавлуда КОСИМОВА
(бош муҳаррир ўринбосари),
Бахтиёр РИЗАЕВ,

Шухрат РИЗАЕВ,
Бехбуд ЖУМАЕВ,
Таънаберди ҚУРБОНОВ,
Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.

A-2, 2 босма тобик.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.

Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93.

Тел/Факс: — 133-44-25.

Масъул котиб: 136-53-75

Хатлар бўлими: 136-57-62.